

Биз инвесторлар учун очиқ, эркин, барқарор ва ишончли мамлакат – Янги Ўзбекистонни барпо этмоқдамиз. Бу йўлда бошлаган ва ортга қайтмас тус олган ислохотларимизни бундан буён ҳам изчил давом эттираемиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат МИРЗИЕВнинг
Хорижий инвесторлар кенгаши
мажлисидаги нутқидан

2025-йил
12-июн
payshanba
№73
(5137)

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

YURT TARAQQIYOTI YO'LIDA BIRLASHAYLIK!

Ishonch

Ўзбекистон касба уюшмалари Федератсияси нашри



ИШЧИ-ХОДИМЛАР ҲУҚУҚИ – ҚУРУҚ ШИОР ЭМАС

Женева, 2025 йил июнь. Ўзбекистон Касба уюшмалари федерацияси муносиб меҳнат, ижтимоий адолат ва фундаментал меҳнат ҳуқуқларига содиқ эканини яна бор қатъий таъкидлади. Женевада бўлиб ўтган Халқаро меҳнат конференциясининг 113-сессиясида федерация раиси ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиев дастурий баёнот билан чиқди. Унинг сўзларига кўра, Ўзбекистон меҳнат муносабатлари соҳасида кадр-қиммат, адолат ва барқарорликка асосланган тарихий ислохотлар остонасида турибди.

– Меҳнат нафақат осон эришилмаган, балки муносиб ҳам бўлиши керак. Уши иқтисодий кўрсаткичлардан ташқари, адолат тамойилларига ҳам асосланиши зарур, – деди у Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) Бош директори Жильбер Унгбоннинг «Иш ўринлари, ҳуқуқлар ва ўсиш: алоқаларни тиклаш» деб номланган ҳисоботида таянган экан.

Мамлакатимиз «Янги Ўзбекистон» стратегияси доирасида амалга оширилаётган ислохотлар шароитида меҳнат қонучилигини жадал суръатларда халқаро стандартларга мувофиқлаштиришда. Сунгги саниқ йил ичида Ўзбекистон ХМТнинг 12 та асосий конвенциясини ратификация қилди. Бу аввалги 25 йилликда ратификация қилинган ҳужжатлар сонига тенг. Бу рақам институционал тараққиёт кўрсаткичидир.

Гендер тенглиги ва ёшлар ҳуқуқларини кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон ХМТ ва АКРАВ билан ҳамкорликда устувор тармоқларда гендер аудитларини ўтказмоқда. Уларнинг амалий таъсири жамоавий музокаралар маданияти ва ижтимоий мулоқот тараққиётида яққол кўзга ташланмоқда.

ФАХР

ради, минг-минглаб ёшларимиз учун илҳом манбага, ибрат тиласига айланади. Янги Ўзбекистоннинг халқаро обрў-эътиборини янада оширишга хизмат қилади», деди давлатимиз раҳбари.

Чиндан ҳам, бу тарихий воқеа бутун халқимизни бирлаштирди, қувонтирди. Шу боис ҳам сунгги турдаги Ўзбекистон – Қатар ўйини байрамга айланиб кетди.

Учрашув ўз мухлислари олдида ўйнаган ҳамюртларимизнинг тўлиқ устунлигида ўтди. Якунда Ўзбекистон 3:0 ҳисобида ғалаба қозонди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 6 июндаги фармонида мувофиқ, Ватанимиз тарихида биринчи марта жаҳон чемпионати йўланмасини қўлга киритгани, ёш авлодни спортга меҳр ва миллий ғурур руҳида тарбиялашга қўлган ҳиссаси учун футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзолари ва мураббийларидан бир гуруҳи мукофотланган эди. Уйндан кейин ушбу мукофотларни топшириш маросими бўлди. Давлатимиз раҳбари қаҳрамон спортчиларимизга фахрий унвон, орден ва медалларни топширди. Шунингдек, терма жамоамиз аъзолари ва мутахассисларига BYD автомобиллари совға қилинди.

Халқимизни хурсанд қилган яна бир нарса – бу байрамга Болгария Президенти, Словакия, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Озарбайжон ва Туркменистон ҳукумат раҳбарлари ҳам гувоҳ бўлди. Улар нафақат ўйинни кузатди, балки Ўзбекистонга мухлислик қилиб, қувончимизни баҳам кўрди.

Уша кунги ғалабадан энг кўп Президентимиз хурсанд бўлди, десак, адолатдан бўлади. Инсон ўз меҳнатларининг натижасини кўрганда, фарзандлари билан фахрланганда шундай бахтга тўлади.

Икки йилча олдин давлатимиз раҳбари ёш футболчилар билан учрашганда зўр гап айтган эди:

«Халқимизнинг спортга меҳри кучли. Айниқса, футбол «ошлавий дўстимиз». Миллий терма жамоамиз ўйинларини ҳаммамиз ғурур, фахр, ҳаяжон билан кузатамиз. Сизлар оилада ота-онавизнинг фарзанди бўлганингиз билан майдонда халқимизнинг фарзандисизлар».

Кунги кеча ана шу халқ фарзандлари майдонга тушди. Жисмоний етуқлиги, руҳан тетиқлигини кўрсатиб кўйди. Элу ортининг дуопари, неча йиллик орзуларини рўёбга чиқарди.

Энди жаҳон чемпионатида йўл очиқ. Лекин асосий курашлар ҳали олдинда. Бу бахслар дунёнинг нариги чеккасида – АҚШ, Канада ва Мексикада бўлиб ўтади. Ўзбекистон ифтхори бўлган футболчиларимиздан бу мусобақада ҳам яхши натижалар кутиб қоламиз.

Анвар САМАДОВ,
журналист



Шунга қарамай, ҳали ҳал этилиши лозим бўлган бир қатор муаммолар борлигини ҳам кўз юмиб бўлмайдим.

– Хали-хануз бирлашиш эркинлигига ва касба уюшмаларини тузишга тўғонақ бўлаётган иш берувчилар учраб турибди. Биз уларни касба уюшмаларини таҳдид сифатида эмас, барқарор тараққиёт йўлида ҳамкор сифатида кўришга чақирамиз, – деди Бахтиёр Маҳмадалиев.

Унинг фикрича, иш ҳақи ишлаб чиқариш ҳажми ортишига мутаносиб равишда кўтарилиб бориши зарур. Нормасий бандлик ҳозирги кунда ҳам инклюзив иқтисодий ўсиш йўлидаги энг катта тўсиқлардан биридир. Шу муносабат билан Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси ХМТнинг 95- ва 131-конвенцияларига фундаментал мақом бериш таклифи билан чиқди.

Ижтимоий адолат – абстракт широр эмас, балки бугунги воқелик мезони. Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси халқаро майдонда айнан ушбу фалсафани илгари сурмоқда. Зеро, Ўзбекистон ишчи-хизматчилар қадрли улуғланган меҳнат нафақат мақсад, балки меъёрга айланган глобал келажак тарафдоридир.

Ўз мухбиримиз

КУТИБ ОЛ, ДУНЁ, ЎЗБЕКИСТОН КЕЛЯПТИ!

Шу кунларда юртимизда кайфият кўтаринки. Ҳамма соҳада иш қизгин. Бунинг бош омили шуки, Президентимизнинг «темли» жуда юқори.

Хабарлардан кўриб турдик: биргина 10 июнь кунини давлатимиз раҳбари Болгария Президенти билан музокара ўтказди, халқаро инвестиция форумида қатнашди, форумга келган қардош мамлакатлар расмийларини бирма-бир қабул қилди.

Бу ёқда «Бунёдкор» стадионида Ўзбекистон ва Қатар миллий терма жамоалари ўйини бўлаётган эди. Иш кўп бўлишига қарамай, Президент Шавкат Мирзиёев йигитларни қўллаб-қувватлаш учун стадионга борди.

Чунки бу оддий ўйин эмас, ўзбек футболининг катта байрами эди. Миллий терма жамоамиз тарихида илк бор футбол бўйича жаҳон чемпионатида йўлланма олди!

Буни футболсевар халқимиз кўп йиллар орзиқиб кутган эди. Терма жамоамиз бундан олдин етти марта саралашларда қатнашиб, мундиалга чиқа олмаганди. Ҳар доим ё тақвим, ё голлар нисбати, ё маҳорат етишмаслиги сабаб бўлиб қолаверарди.

Ҳеч қандай баҳонага ўрин қолмаслиги учун эса футболчилар кучли бўлиши керак, пойдевор мустаҳкам бўлиши керак. Ёшларини яхши кўрган, истеъдодларни қадрлайдиган давлатимиз шундай шароит яратиб берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 мартдаги қарори билан 2018-2022 йилларда футболни янада ривожлантириш дастури қабул қилинди. Истеъдодли ёшларни танлаш, кейинчалик профессионал этиб тайёрлаш ҳамда миллий терма жамоалар захирасини яратиш мақсадида 14 та худудда болалар ва ўсмирлар футбол академиялари ташкил этилди. Машгулот ва мусобақаларда сифат ошди. Мураббийлар, ҳакамлар ва бошқа мутахассисларга эътибор кучайди.

2019 йил 4 декабрда Президентимиз «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришни мутлақо янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари

тўғрисида»ги фармони имзолади. Унда клублар фаолиятини ривожлантириш, халқаро даражадаги мутахассислар тайёрлаш, терма жамоаларнинг ўқув-машгулот жараёнини замонавий ташкил этиш, мамлакатимизда нуфузли мусобақалар ўтказиш мақсадлари белгиланган эди. 2023 йил 7 апрелда қабул қилинган оммавий ва профессионал футболни ҳар томонлама ривожлантиришга оид Президент қарори бу ишларнинг мантқиқий давоми бўлди.

Қаранг, биргина футбол соҳасига қанча эътибор, шароит. Бунинг «мазасини» ҳозирги ёшлар илғамаслиги мумкин. Чунки улар эсини танибдики, мўл-кўлчиликини кўрапти. Бу шароитларнинг қадрини ўрта ёшлар биллади.

Бизнинг болалигимиз 90-йилларга, «йўғон чўзилиб, ингичка узилган» пайтга тўғри келган. Футболни жонимиздан яхши кўрамиз, лекин бозорларда на бир тўп, на форма бўларди. Ямаб-қураб тўп топганимиздаям, кеда бўлмасди, оёқ яланг ўйнаш оддий ҳол эди. Болаларнинг оёқлари шилиниб, тирноқлари кўкариб юрарди.

Ҳозир фарзандларимни спорт дўконига олиб борсам, шуларни эслаб кўяман. Бугунгидай хилма-хил тўплар, футболкаю бутсилар қаёқда эди, дейсиз?! Спорт тўғрақларини эса айтмасам бўлади.

Шунинг учун ҳам ўша авлоднинг ҳаракатлари ҳавасдан нарига ўтмаган. Буни халқ шoirи Сирожиддин Саййид қойилмақом ифодалади:

Она халқим, бор кечмишинг – синов,

имтиҳонларинг:

Эгитларда қолиб кетди не-не

чемпионларинг.

Мен футболчи бўлмадим, вақт бўлди

ҳакамим,

Футболкамда қолиб кетди ўн биринчи рақамим.

Ҳа, бундай армонлар, тўғма истеъдодлар ҳар бир кишлоқда бўлган. Лекин эътибор бўлмагани учун юзага чиқмаган, қизиқиши сўнган.

Бугун эса ҳамма жойда футбол тўғрақлари, дўконлар тўла спорт анжонлари бор. Талантлар ўзини кўрсатиши учун маҳалла ва мактаб турнирлари, «Беш ташаббус олимпиадаси» мунтазам ўтказилапти. Қобилияти юқори болаларни излаб топиб, моҳир спортчи етиштирган мураббийларга ҳам рағбат бор.

Бундай эътибор ва тизим тўғрисида бирин-кетин натижалар кела бошлади. 2018 йилда U-23 жамоамиз Хитойда, 2023 йилда U-20 футболчиларимиз Ўзбекистонда ўтган мусобақаларда Осиё чемпионлигини қўлга киритди. Юртимизда ФИФА ва ОФК дастуридаги турнирларни ўтказиш йўлга қўйилди.

2024 йилда ўзбек футболни ривожига янги саҳифа очилди – 23 ёшгача бўлган терма жамоамиз биринчи марта Олимпия ўйинларида иштирок этди. Умуман, спортчиларимиз бу олимпиадада 13 та медални қўлга киритиб, дунёда 13-ўринни эгаллаган эди.

Ютуқ ва хурсандчиликлар бу йил ҳам давом этмоқда. Яқиндагина, апрель ойида Саудия Арабистонда ўтган мусобақада 17 ёшгача бўлган ўсмирларимиз Осиё кубогини қўлга киритиб, жаҳон чемпионатида йўлланма олган эди. Мана энди асосий терма жамоамиз ҳам янги тарих яратди.

Ўзбекистон ушбу 3-саралаш босқичининг «А» гуруҳидан ўрин олган эди. Қарийб бир йил мобайнида Эрон, Қатар, Бирлашган Араб Амирликлари, Қирғизистон, Шимолий Корея футболчилари билан баҳс олиб борилди. 5 июнь кунини ўтган БАА – Ўзбекистон ўйинида дуранг қайд этилди. Натижада 9-тур якунларига кўра, терма жамоамиз очколари сони 18 тага етди ва жаҳон чемпионатида чиқиш қафолатланди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу муносабат билан йўллаган табригда футболчиларимиз чинакам жасорат ва матонат намунасини кўрсатиб, халқимиз орзусини рўёбга чиқарганини таъкидлади. «Аминман, бу тарихий ютуқ халқимизни эзгу мақсадлар йўлида янада бирлашти-

Ҳар ишни ўз устаси бажаргани маъқул. Ҳаваскорлик ва профессионаллик ўртасида эса яхшигина фарқ бор. Инсон биринчисидан иккинчиси даражасига етиши учун анча йиллар тер тўкиб, меҳнат қилиши, ўз устида ишлаши лозим.

МЕҲНАТНИ САНЪАТГА АЙЛАНТИРАЁТГАНЛАР

ёхуд моҳир ғишт терувчилар мусобақаси



Шу кунларда Ўзбекистон транспорт, йул ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши ташаббуси билан ҳафталик тадбирлар ташкил этилмоқда.

Тошкент архитектура-қурилиш университетида ўтказилган «Энг фаол ёш ишчи касб эгаси» танлови ҳам ҳафталикнинг муҳим ва кутилган тадбирларидан бири бўлди.

Ўзбекистон касба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги санасига бағишланган мазкур танловга бутун республикамиздан сараланган ёшлар «Ғишт териш — умумқурилиш ишлари устаси» ва «Қуруқ қурилиш ва пардозлаш ишлари — қурилиш-пардозлаш ишлари устаси» номинациялари бўйича беллашишди. Унда Республикаимизнинг турли вилоят ва шаҳарларидан

келган 28 нафар қурилиш ва архитектура йўналишида таҳсил олаётган ҳамда меҳнат қилаётган ёшлар иштирок этишди. Тадбирдан кўзланган мақсад иккидорли ёш мутахассисларни рағбатлантириш, уларнинг касба қизиқишини янада оширишдир.

Мусобақада иштирокчилар дастлаб назарий билимларини синовдан ўтказиб, тест саволларига жавоб беришди. Кейин амалий топшириқларни бажаришди. Унда бир гуруҳ ёшлар парчин тошлар (брусчатка) ётказишган бўлса, яна бир гуруҳи ғишт терди. Ҳакамлар ҳаётияти иштирокчилар вазифани қанчалик тўғри бажариши, хавфсизлик қоидаларига амал қилиши, тозалик ва гигиенага риоя этиши каби жиҳатларга эътибор қаратишди.

Яқунда эса ўз ишини моҳирлик билан удалаган иштирокчилар биринчи, иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди. Уларга Ўзбекистон транспорт, йул ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши томонидан фахрий ёрлик ва қимматбаҳо эсдалик совғалар топширилди.

— Қашқадарё архитектура ва қурилиш техникумининг иккинчи босқич талабасиман, — дейди беллашув иштирокчиларидан бири Диёр Бектурдиев. — Ғишт теришда ишнинг сифатли бўлиши, аввало, пойдеворнинг тўғрилиги ва текислигига боғлиқ. Кейин эса ғишт те-



рувчининг бутун фикру зикри бажарилган ишига қаратилиши лозим. Ишлатаётган ғишларимизнинг сифати, бурчаклари тўғри ва текис бўлса, кўтарилаётган девор ҳам кўнгилдагидек чиқади. Бурчаклар градусларини тўғри чиқариш лозим. Мен ғишларни диагональ ва

вертикал шаклда жойлаштирдим, сабаби шундай усулда терилган ғишлар бир-бирига маҳкам ёпишади ва зилзила пайтларида бинонинг бардошлилигини оширади. Келгусида олий ўқув юртида ҳам таҳсилни давом эттириб, ўз касбимнинг моҳир устаси бўлиб етишмоқчиман.

Дарвоқе, бухоролик архитектор дизайнер, Бухоро қурилиш ва архитектура техникуми ишлаб чиқариш устаси Истатбону Файзиёва ҳам танловда фаол иштирок этиб, ҳакамлар эътиборига тушди. У бугун замон ривожлангани, эндиликда бино-иншоотлар лойиҳасини компьютерда чизаётгани ва соҳада аёллар иштироки тобора ортиб бораётганини айтиб ўтди.

Биз билан суҳбатда Истатбону ўзи ва бошқа ҳамкасблари ҳам танловга катта қизиқиш билан келишганини, бундай мусобақалар уларни ўз устида кўпроқ ишлашга ундашни таъкидлади. Шу билан бирга, ёшларнинг ўзи ишига муҳаббатини оширадиган мусобақа уюштиришгани учун ташкилотчиларга миннатдорчилик билдирди.

Айни вақтда ҳафталик тадбирлари давом этмоқда. Хусусан, шу кунларда Тошкент транспорт университетида ёшлар билан учрашув ҳамда Фарғонадаги «Қварц» акцио-

нерлик жамаиятида меҳнат муҳофазаси бўйича семинар-тренинг ўтказиш режалаштирилган.

Зебо НАМОЗОВА
«ISHONCH»
Кувочбек ТУРАЕВ
олган суратлар

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРҒИБОТИ



Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши касба уюшмаларининг 120 йиллиги муносабати билан Тошкент шаҳридаги ихтисослаштирилган мактаб ўқитувчилари ўртасида «Касба уюшмалари ҳаракати — бир асрлик ишонч ва бирдамлик тимсоли!» шиори остида спорт мусобақаси ўтказди.

Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиши, муаллимлар ўртасида жисмоний фаолликни ошириш ва жамоавий руҳни мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилган ушбу тадбирда сўзга чиққанлар касба уюшмалари ҳаракати фаолиятига алоҳида ургу бердилар.

— Жисмонан бакувват, соғлом фикрли, билимдон, юксак маънавиятли авлодни вожага етказишда мактабнинг, хусусан, педагог-ўқитувчиларнинг ўрни беқийс, — деди йиғилишда сўз олган Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши раиси Улуғбек Мухамедов.

Беллашувда Шайхонтохур, Сергели ва Мирзо Улуғбек ту-

манларидаги ихтисослаштирилган мактабларнинг жами 90 нафар ходими спортнинг олти тури бўйича ўзаро куч синашди.

— Касба уюшмалари фақат ҳуқуқий ҳимоячигина эмас, балки инсон саломатлиги, меҳнат муҳити ва жамоавий бирдамликнинг таянчи ҳам бўлиши керак, — дейди Тошкент шаҳар касба уюшмалари бирлашган қўмитаси раиси Дилфуза Исмоилова. — Назаримда, бугунги тадбир бунинга амалий исботи бўлди.

— Шахмат фақат ақл ўйинигина эмас, балки сабр, мантиқ ва диққатни нархлайдиган востта ҳамдир, — деди шахмат бўйича ғолибликни қўлга киритган иштирокчи Авазбек Равшанов. — Мусобақа дўстона руҳда, кўтаринки кайфиятда ўтди. Бу каби беллашувлар ўзаро тажриба алмашишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Ғолиб ва совриндорлар ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари ва фахрий ёрликлари билан тақдирландилар.

Феруза РАҲИМОВА
«ISHONCH»
Диёрбек ҒАНИЕВ олган сурат

ХИСОБОТ-САЙЛОВ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ

«МАНФААТЛАРИМИЗ ҲИМОЯЧИСИГА ОВОЗ БЕРАМИЗ!»

Айни кунларда Қорақалпоғистонда ҳам тармоқлар касба уюшмалари кенгашларининг туман ва шаҳар ташкилотларида ҳисобот-сайловлар қизғин кечмоқда

Агросаноат мажмуи ходимлари касба уюшмаси Нукус шаҳар кенгаши томонидан ўтган беш йилда олиб борилган ишлар таҳлил қилинди. Шу муносабат билан ўтказилган конференцияда кенгашнинг ҳисобот давридаги фаолияти ҳақида батафсил сўз юритилди.

Таъкидландики, корхона-ташкilotларда тузилган жамоа шартномаларида ишчи-ҳодимлар учун қўшимча имтиёз ва кафолатлар кўламини ошириш чоралари кўрилиб, бугунги кунда 32 та касба уюшмаси ташкилотларида 3465 нафар ишчи-ҳодим қонунда белгиланган имтиёз ва кафолатлардан фойдаланмоқда. Шартномага киритилган мажбуриятларнинг амалга оширилиши учун бир ходимга сарфланган маблағ 2021 йилда ўртача 1 млн. 765 минг 82 сўм бўлган бўлса, 2024 йилда 10 млн. 631 минг сўмга етди. Давлат дастури асосида қабул қилинган жамоа шартномалари орқали ёрдамга муҳтож 125 оилага корхоналар томонидан 31 млн. 250 минг сўм, касба уюшмаси томонидан 18 млн. 500 минг сўмлик ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, 247 нафар ишчи-ҳодимга юртимиздаги санаторийларга имтиёзли йўлланмалар берилди.

Муҳокамаларда кенгаш фаолияти қониқарли деб топилиб, яширин овоз бериш йўли билан ўтказилган сайловда етакчилиikka Сейткарим Абдиев қайта сайланди.

Транспорт, йул ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касба уюшмаси Қорақалпоғистон кенгашининг конференцияси ҳам қизғин кечди.

Ҳисобот даврида кенгаш томонидан корхона, муассаса, ташкилотларда тузилган жамоа шартномаларида ишчи-ҳодимлар учун қўшимча имтиёз ва кафолатлар кўламини ошириш чора-

лари кўрилиб, 95 та бошланғич ташкилотда 19550 нафар аъзо қонунда белгиланган имтиёз ва кафолатлардан фойдаланиб келди. Ходимларнинг буш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларни бой маданиятининг ва тарихий меросининг билан яқиндан таништириш мақсадида театр, концерт, музейларга олиб борилди.

— Ушбу сайлов мен учун ўзига хос имконият бўлди. Буни зиммамдаги энг катта масъулият, деб биламан. Ўтган даврдаги ютуқларимиз билан бирга, камчиликларимиз ҳам айтилди. Ўйлайманки, келгусида янада ташаббускор ва манфаатли таклифлар билан билдирилган ишончга муносиб бўламан, — деди кенгаш раислигига қайта сайланган Гулмира Палуаниязова.

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Кегейли тумани кенгашининг ҳисобот-сайлов конференциясида ўтган даврдаги фаолият қониқарли, деб баҳоланди. Делегатлар туман кенгаши раиси Узақбой Утегенова қайта ишонч билдирган бўлишса, Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Тахياتош тумани бўлинмаси кенгаши раиси Сайёра Бекимбетова ҳам учинчи марта қайта сайланди. У тажрибали етакчилардан саналади. 38 нафар делегат, шунингдек, иш берувчилар, касба уюшмаси масъуллари иштирок этган конференция муҳокамаларга бой бўлди.

Туман кенгаши таркибида бугунги кунда 45 та касба уюшмаси ташкилоти бўлиб, улардаги аъзолар сони 2820 нафарни ташкил этади. Кенгаш томонидан сўнгги беш йилда эътироф этишга аризуғлик ишлар амалга оширилди. Жумладан, «Беш ташаббус олимпиадаси» доирасида мактабгача таълим ва мактаб таълими тизимида фаолият юритаётган ходимлар ўртасида «Соғлом танда — сифатли

таълим» шиори остида Касба уюшмаси кубоги спорт мусобақаларини ўтказиш анъана тусига кирган бўлиб, 2024-2025 йилларда мазкур мусобақанинг Қорақалпоғистон босқичида кетма-кет 2-ўринни эгаллади. Шунингдек, кенгаш раиси С.Бекимбетова «Энг яхши ташкилотчи» номинациясига эга бўлди. Касба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги муносабати билан шахмат бўйича «Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кубоги» мусобақасининг Қорақалпоғистон босқичида 3-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Р.Қайпанов эркаклар ўртасида, спорт мактаби ходими Айна Тураева аёллар ўртасида биринчи ўринни эгаллаб, республика босқичида ҳам совринли ўринларни қўлга киритишди.

Бу каби жиҳатлар алоҳида таъкидланган конференцияда касба уюшмалари ташкилотларида туризмин ривожлантиришни таъминлаш мақсадида тарихий қадамжоларга «Ўзбекистон буйлаб саёҳат қил!» шиори остида саёҳатлар ташкил қилиниши одат тусига кирган. Жумладан, Султон Увайш бобо зиёратгоҳига, Хива, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларига борганлар дам олиш билан бирга, бой маданиятимиздан баҳраманд бўлиб келишаётгани ҳам эътироф этилди.

— Бугунги кунда касба уюшмалари бизнинг чинакам суянчимиз, манфаатларимиз ҳимоячисига айланган, десади, мулолага бўлмайди, — деди катнашчилардан бири Асия Медетова.

Ишончимиз комилки, қайта сайланаётган етакчилар ҳаракатчанликлари ва пешқадамликлари билан зиммасидаги масъулиятни оқлайдилар. Чунки уларда бунинг учун билим ва тажриба етарли.

Фотима АБДУРАИМОВА
«ISHONCH»

Меҳнатқашлар ишончига сазовор бўлишдан умидвор номзод нафақат сўзда, балки амалда ҳам ўзини кўрсатган бўлиши керак. Етакчининг ўтган даврдаги фаолиятига делегатлар томонидан берилган баҳо эса сайлов мурасасиз ўтишига таъсир қилмасдан қолмаяпти. Бу галги жараёнда омад мансаб, обрў учун интиланганга эмас, балки эл хўрматини қозонганларгагина қулиб боқаяпти. Мен шу тизим етакчиси бўламан, дея мақтаниб юрганларнинг қанчаси синовларда ер чизиб қолди.

Агросаноат мажмуи ходимлари касба уюшмаси Урганч ва Қўшработ туманлари кенгашлари раислари ўзгарди. Тармоқ етакчилари зиммаларига юклатилган вазифа уларни чарчатиб қўягани руй-рост тан олишди. Масалан, Қўшработ туманида кейинги беш йилда касба уюшмалари сафини кенгайтириш, янги аъзоларни жалб этишда сезиларли сиғими бўлмади. Таркибдаги баъзи ташкилотлар бошқа тизим касба уюшмалари «этагини» тугиб кетган ҳолатлари ҳам йўқ эмас. Тармоқ касба уюшмаси туман кенгашининг кейинги беш йиллик фаолиятига делегатлар томонидан ҳолис баҳо берилди. Иштирокчилар ташкилотчилиги билан танилган, соҳа ходимлари бошини қовуштириш қобилиятига эга бир нечта шахслар номзодларини ажратиб олишди. Улар орасида энг кўп овоз йиғишга эришган Абдалим Жониқулов Агросаноат мажмуи ходимлари касба уюшмаси Қўшработ тумани кенгаши раислигига сайланди. Урганчда эса кўп йиллар тармоқ касба уюшмаси тизимида ишлаб кетган Шухрат Набиев уч нафар номзод орасида ғолибликни қўлга киритди.

— Агросаноат мажмуи энг нозик соҳалигича қоляпти. Бу тизим касба уюшмасини оёққа тургазиш, соҳа ходимлари бошини қовуштириш йўлида озми-кўпми меҳнатим синган, — дейди Шухрат Набиев. — Тармоқ касба уюшмаси етакчилигига номзодим тавсия этилганда йўқ, дея олмадим. Соҳа ходимларининг ишончи ғайратимга ғайрат қўшди. Эндиликда фаолиятим давомиде кишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаётган ҳар бир хо-

МАСЪУЛИЯТНИНГ ЮКИ ЗАЛВОРЛИ

димнинг ихтимой-иктисодий ҳимоясини таъминлаш, уларга муносиб меҳнат шaroити яратилиши йўлида бор куч, имкониятларимни ишга солишга аҳд қилганман.

Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касба уюшмаси Самарқанд вилояти бирлашган қўмитаси ҳисобот-сайлов конференциясида тизим корхоналарида руй бераётган айрим ҳолатларга танқидий баҳо берилди. Бирлашган қўмита раиси Бобур Алиев таъкидлаганидек, қатор жамоаларда меҳнати муҳофазаси қилиш ва хавфсизлик талабларига риоя этиш устидан жиддий жамоатчилик назорати ўрнатилган бир шароитда бахтсиз ҳодисаларнинг олди олинмаяпти.

— Тармоқ касба уюшмаси бирорта ҳолатга бефарқ қарагани йўқ. Бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш масаласида меҳнат муҳофазаси ходимларини жалб этган ҳолда тизимдаги 346 та ташкилот фаолиятини ўрганиб чиқдик, — деди Бобур Алиев ўз маърузасида. — Урганчи жараёнида аниқланган 156 та камчилигининг 29 таси жойида бартараф этилиб, иш берувчиларга 29 та тақдимнома киритилди.

Соҳа касба уюшма тизими корхоналарида меҳнат ҳуқуқининг бузиллиши ҳолатлари руй бераётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Ўтган даврда иш берувчи ҳатти-ҳаракати билан содир этилган 6 та ҳолат бартараф этилди. 8 нафар ходим ўз иш ўринларига тикланиб, 4 нафарига мажбурий бекор юрган кунлари учун зарар пуллари ундириб берилди.

Делегатлар қўмитанинг ўтган даврдаги фаолиятини қониқарли деб топишди. Яширин овоз бериш йўли билан ўтган сайловда уч нафар номзод орасидан энг кўп овоз тўплаган Бобур Алиев қўмита раислигига қайта сайланди.

Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Оқдарё тумани бўлинмаси кенгаши конференциясида амалга оши-

рилган яхши ишлар баробарида сусткашликка йўл қўйилаётган ҳолатларга ҳам баҳо берилди. Ҳануз ҳудуддаги мактаблардаги меҳнат муҳофазаси масъулларига ҳақ тўлаш муаммоси ҳал этилмаган. Тармоқ касба уюшмаси муаммони кўтариб чиқиш билангина чекланиб қолмаётганини танқид остига олинди. Амалдаги етакчи Жамол Худойкулов таркибга нодавлат ташкилотларни жалб этиш лозимлигини айтиб, меҳнат муҳофазаси йўналишида камчиликлар борлигини тан олди.

Музокараларда сўзга чиққанлар ҳисобот даврида тизим ходимларини маданий-маърифий тадбирларга жалб этиш икки баробарга, туризм йўналишидаги саёҳатлар уч баробарга, меҳнатқашлар фарзандларини оромгоҳларда имтиёзли дам олдириш уч баробарга ошганини эътироф этишди. Муқобиллик асосидаги ҳолатда делегатлар ҳеч иккиланмасдан Жамол Худойкулов номзодини маъқуллашди.

— Вилоятимиздаги 15 та туман, шаҳар тармоқ касба уюшмалари кенгашларининг ҳисобот-сайлов конференциялари бўлиб ўтди, — дейди Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Самарқанд вилояти кенгаши раиси Нормурод Ражабов. — Уларда етакчиликка даъвогар 30 дан ортқ номзодлар тингланди. Меҳнатқашлар меҳрини қозонган, аввалдан ишлаб келаётган 13 нафар раисга делегатлар ишонч билдиришди. Иккита туманда кенгаш раҳбарлари етарлича овоз йиғолмасдан ўринларини янгиларга бўшатиб берди.

Беш йил оз мuddат эмас. Ҳисобот-сайловларда делегатлар шунча йил ишончли суянч, таянч бўладиган номзод танлови олдида иккиланмай қолшмаяпти. Муносиблар орасидан энг муносиблари бу мақомга эришаётганлари аниқ.

Нурбек ФАХРИДИНОВ



■ ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ОЗОДАЛИК ОСТОНАДАН БОШЛАНАДИ

Ўхуд экологик маданиятимиз қачон шаклланади?

атроф-муҳитни яшилликка буркаш пайида бўлишимиз керак. Шу йўл билан зарарли газлар таъсирини камайтириб, кистород миқдорини оширишга эришимиз мумкин.



Дарҳақиқат, аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш ниҳоятда долзарб масала. Чунки орамизда ўзи кўчат ўтказмаганга яраша, уни-ўсиб турган даррахти кесадиған ёки унга зиён етказиладиган, эшиги тагидаги ниҳолни парвариш қилмайдиганлар ҳам бор. Бунинг исботини ҳаётда кўряпмиз. Масалан, Пахтачи туманидаги «Тома» МФЙ ҳудудидан кесиб ўтвчи М-37 автомагистрал йўли ёқасида «Йўл-қўқалам» УК томонидан экилган манзарали ва мевали даррахларга шу ҳудудда яшовчи фуқароларнинг қаровисиз қолдирилган чорва моллари жиддий зарар етказган. Шунингдек, тумандаги 4-, 13-, 14-, 15-, 28-умумтаълим мактаблари, 3-, 20-, 22-, 24-, 25-, 33-давлат мактабгача таълим ташкилотлари, Оқдарё туманидаги 7-, 43-умумтаълим мактаблари, Каттақўрғон туманидаги 55-, 100-умумтаълим мактаблари, Иштихон тумани мактабгача ва мактаб таълими бўлими тасарруфидаги ташкилотлар ҳудудидан экил-

Дунё сийёсати тобора алғов-далгов бўлиб бораётган ҳозирги шароитда инсоният яна бир ташвишли, хатарли муаммага дуч келмоқда, яъни экологик инқироз кўз ўнгимизда намоён бўлмоқда. Сувни исроф қилиш, дархатларни кесиш, дарё ўзанларини аёвсиз қазिश, ер юзини чиқиндига тўлдирганимиз оқибатида йўқотаётганларимиз сони чандон ортиб бормоқда.

Ҳартугул, кеч бўлса-да, табиатдаги мувозанатни сақлаб қолишга киришдик. Келажақ авлодга яшил ва соғлом муҳит қолдириш учун имкони борича ҳаракат қилишимиз. Дастурлар, фармонлар, қарорлар қабул қилиб, амалиётга таъбиқ этишимиз. «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси шулар жумласидан.

Маълумотларга кўра, ушбу лойиҳа доирасида ўтган тўрт йил мобайнида республика бўйича жами 872 миллион туп ниҳол ўтказилган. Агар бу йилгисини қўшиб ҳисобласак, қарийб 1 миллиард 100 миллион туп кўчат қадаб қўйибмиз. Демак, бу саноат ҳаракатлар бир кун ўз натижасини беражак.

– Ҳаво таркиби 78 фоиз азот, 20 фоиз кистород ҳамда турли зарарли газлардан таркиб топган, – дейди мустақил эколог Орифжон Мизомов. – Аммо цивилизация ривожлангани сайин ҳаво таркиби бузилиб борапти. Шунинг учун

оқибатида сув йўллари йўқотилди. Бир вақтлар 5 та вилоятни сув билан таъминлаган, 887 километр узунликка эга бўлган Зарафшон дарёси ана шундай ишлар «самараси»да ўзани чуқурлашиб, сув сатҳи пасайиб кетди. Қирғоқбўйи табиат ва наботот оламига катта зиён етди.

– Пайдар-пай қазилмавлар оқибатида Равотхўжа сув омборидан то Самарқанд теғрасидаги дарё кўпригигача бўлган 70-80 чақиримлик масофа оралиғида 6-7 миллион куб метр шағал етишимовчилиги кузатилди. Табиий ресурсларга тўйинган Зарафшон дарёсининг тақдирини ҳам инсон омили туғайли тобора маҳкумлашиб бормоқда, – деган эди экология фахрийси Тўра-хон Ҳошимов бир суҳбатимизда.

Тўғри, дарёлардан тош, қум, шағал қазиб олиш ишларига мораторий эълон қилинган, соҳа бироз тартибга тушди. Лекин ҳамон пана-пасткамда пайт поймаб, қум ва шағални ўғринча қазиб олаётганлар бор. Қанчаси қўлга тушяпти ҳам. Масалан, экологлар томонидан ўтказилган назорат тадбирларида Навоий вилоти, Навбахор тумани, «Ялтиробод» МФЙда истикомат қилувчи фуқаро ўзига тегишли транспорт воситасида дарё ўзанидан қум ва шағал қазиб, юк ташувчи техникаларга юклаётгани аниқланди. Маълум бўлишича, у бундан аввал ҳам шу қилмишни содир этгани учун жиддий огоҳлантирилган экан.

Табиат қушандаларининг яна бир тоифаси борки, уларга на гап, на тушунтириш, на жарима қор қилади. Исталган жойга чиқиндини улоқтириб кетишади. Апрель ва май ойида 97 нафар фуқаро белгиланмаган жойга чиқинди ташлагани учун жазоланган.

Ғишт ишлаб чиқарувчи айрим тадбиркорлар ҳам билиб-билмай она табиатга зиён етказишмоқда. Баъзилари пекани машина шинларини ёқиб иситишмоқда. Унинг тути ва қўланса ҳиди ҳавога ёйилиб, одамларни заҳарламоқда.

Ушбу мисоллар экологик маданиятимиз қаё даражада эканидан далолат беради.

ОСТОНАМИЗ ПОКИЗА БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўрасида халқро меъёрларга амал қилган ҳолда, қатор муҳим ҳужжатлар ва дастурларни ҳаётга таъбиқ этиб келмоқда. Хусусан, мамлакатимиз Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги минтақасида биринчилардан бўлиб «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенцияни 1992 йил 9 декабрда ратификация қилган. Шундан бери болаларнинг ҳуқуқини, ижтимоий ва психологик ҳимоясини таъминлаш йўлида изчил ишлар олиб боришмоқда. 2008 йилда «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.

Ўзбекистоннинг янгиланган Конституциясида болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда қонуний ҳимоя қилиш, унинг жамият ва маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун энг яхши шарт-шароитларни яратиш бўйича кафолатлар кучайтирилди, бу борада давлатнинг мажбуриятлари кенгайтирилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, болалар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш ва кафолатлаш янги Конституцияда мустақамланганин ва масала давлат сийёсати даражасига кўтарилишининг яққол исботидир. Жумладан, Бош қомусимизнинг 44-моддасига асосан болалар меҳнатининг боланинг соғлиғига, ҳавфсизлигига, ахлоқига, ақли ва жисмоний ривожланишига ҳавф солувчи, шу жумладан, таълим олишга тўқсинлик қилувчи қандайд шакллари таъқиқланди.

Шунингдек, илк бор Конституциянинг 50-моддасида таълим ташкилотларида алоҳида таълим эҳтиёжларига эга бўлган болалар учун инклюзив таълим ва тарбия таъминланиши алоҳида мустақамланди. Энг муҳими янги Конституцияга «Оила, болалар, ёшлар», деб номланган янги боб киритилиб, унда болаларнинг мақоми янада қучайтирилди.

Бош қомусимизнинг 77-моддасида ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўз фарзандларини вояга еттунага қадар боқиши, уларнинг тарбияси, таълим олиши, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топиши хусусида қамқўрлик қилишга мажбуриятини белгилаб қўйилган. Мазкур моддада давлат ва жамият етим болаларни ҳамда ота-онасининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиши, тарбиялаши, уларнинг таълим олишини, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топишини таъминлашни лозимлиги ҳам ўз аксини топган.

2023 йил 12 апрелда қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиб, вояга етмаганларга нисбатан жинсий зўравонлик содир этган шахсларга нисбатан жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки қазони енгилроғи билан алмаштириш тартиқасидаги инсонпарварлик ақллари таъбиқ этилмаслиғи белгилаб, бундай жиноятлар учун жазо чоралари янада оғирлаштирилди.

Шу билан бирга, вояга етмаганларга нисбатан жинсий зўравонлик содир этган шахсларнинг болаларга таълим, тарбия бериш, болалар билан бевоқифа ишлаши назарда тутувчи фаолият турлари билан шуғулланишини таъқиқлаш ҳамда бу турдаги жиноятларни содир этган шахслар рўйхатини юритиш кўзда тутилмоқда.

Умуман олганда, сўнгги йилларда Ўзбекистонда болаларга нисбатан зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш бўйича муҳим қадамлар ташланди. Хусусан, 2024 йилда «Болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.

Шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Сенатининг Парламент сайловидан кейинги илк йилгилишида давлатимиз раҳбари алоҳида эътибор қаратган масалалардан бири – ёш авлод ҳимояси бўлди. Президентимиз жамиятда болаларга нисбатан таъбиқ ва зўравонлик ҳолатлари қучайиштиришни таъқиқлаб, миллий кадриятларимизга зид бўлган бундай иллатларга қарши мурасосиз кураш олиб бориш зарурлигини қатъий белгилаб берди.

Болаларни уруш ва зўравонликдан ҳимояланганлигини таъминлаш Ўзбекистоннинг тинчлик ва барқарорлик сийёсатининг асосий тамойилларидан бири бўлиб, бу борадаги ёндашуш болаларни соғлом ва ҳавфсиз муҳитда вояга етказишга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда жамиятимиз аъзоси бўлган ҳар бир бола – бу келажақнинг пойдевори. Уларнинг тинч, ҳавфсиз ва бахтли ҳаёт кечиришини таъминлаш ҳамда уларга шароит яратиш нафақат инсонийлик бурчимиз, балки барқарор ривожланиш кафолатидир.

Ҳамидулла МҮМИНОВ,
Инсон ҳуқуқлари бўйича
Ўзбекистон Республикаси
Миллий маркази бўлим бошлиғи

Гулрухбегим ОДАШБОВА
«ISHONCH»



Ҳар йили 4 июнь дунё бўйлаб Халқаро тажовуз қурбонлари бўлган бегуноҳ болалар кунини (International Day of Innocent Children Victims of Aggression) сийфатида нишонланади. У 1982 йилда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан жорий этилган бўлиб, Исроил – Фаластин моҳароси чоғида кўллаб бегуноҳ болалар қурбон бўлаётгани билан асосланган. Шундан бери бу сана дунёнинг турли бурчакларида қуролли моҳаро, терроризм, одам савдоси, мажбурий меҳнат, жинсий эксплуатация ва бошқа инсон ҳуқуқларига зид ҳолатлардан азият чекаётган болалар тақдирига эътибор қаратиладиган муҳим сана сийфатида нишонланмоқда.

Уруш, зўравонлик ёки бошқа экстремал ҳолатлар болаларнинг таълим олиш ҳуқуқини, соғлом ривожланишини ва келажақдаги ижтимоий фаоллигини жиддий даражада чеклайди. БМТ ҳисоботларига кўра, ҳар йили минглаб болалар турли қуролли моҳаролар ва зўравонлик ҳаракатларидан жабр кўрмоқда. Бу эса глобал миқёсда болаларни ҳимоя қилишга доир аниқ механизмлар зарурлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўрасида халқро меъёрларга амал қилган ҳолда, қатор муҳим ҳужжатлар ва дастурларни ҳаётга таъбиқ этиб келмоқда. Хусусан, мамлакатимиз Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги минтақасида биринчилардан бўлиб «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенцияни 1992 йил 9 декабрда ратификация қилган. Шундан бери болаларнинг ҳуқуқини, ижтимоий ва психологик ҳимоясини таъминлаш йўлида изчил ишлар олиб боришмоқда. 2008 йилда «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.

Ўзбекистоннинг янгиланган Конституциясида болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда қонуний ҳимоя қилиш, унинг жамият ва маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун энг яхши шарт-шароитларни яратиш бўйича кафолатлар кучайтирилди, бу борада давлатнинг мажбуриятлари кенгайтирилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, болалар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш ва кафолатлаш янги Конституцияда мустақамланганин ва масала давлат сийёсати даражасига кўтарилишининг яққол исботидир. Жумладан, Бош қомусимизнинг 44-моддасига асосан болалар меҳнатининг боланинг соғлиғига, ҳавфсизлигига, ахлоқига, ақли ва жисмоний ривожланишига ҳавф солувчи, шу жумладан, таълим олишга тўқсинлик қилувчи қандайд шакллари таъқиқланди.

Шунингдек, илк бор Конституциянинг 50-моддасида таълим ташкилотларида алоҳида таълим эҳтиёжларига эга бўлган болалар учун инклюзив таълим ва тарбия таъминланиши алоҳида мустақамланди. Энг муҳими янги Конституцияга «Оила, болалар, ёшлар», деб номланган янги боб киритилиб, унда болаларнинг мақоми янада қучайтирилди.

Бош қомусимизнинг 77-моддасида ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўз фарзандларини вояга еттунага қадар боқиши, уларнинг тарбияси, таълим олиши, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топиши хусусида қамқўрлик қилишга мажбуриятини белгилаб қўйилган. Мазкур моддада давлат ва жамият етим болаларни ҳамда ота-онасининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиши, тарбиялаши, уларнинг таълим олишини, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топишини таъминлашни лозимлиги ҳам ўз аксини топган.

2023 йил 12 апрелда қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиб, вояга етмаганларга нисбатан жинсий зўравонлик содир этган шахсларга нисбатан жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки қазони енгилроғи билан алмаштириш тартиқасидаги инсонпарварлик ақллари таъбиқ этилмаслиғи белгилаб, бундай жиноятлар учун жазо чоралари янада оғирлаштирилди.

Шу билан бирга, вояга етмаганларга нисбатан жинсий зўравонлик содир этган шахсларнинг болаларга таълим, тарбия бериш, болалар билан бевоқифа ишлаши назарда тутувчи фаолият турлари билан шуғулланишини таъқиқлаш ҳамда бу турдаги жиноятларни содир этган шахслар рўйхатини юритиш кўзда тутилмоқда.

Умуман олганда, сўнгги йилларда Ўзбекистонда болаларга нисбатан зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш бўйича муҳим қадамлар ташланди. Хусусан, 2024 йилда «Болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.

Шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Сенатининг Парламент сайловидан кейинги илк йилгилишида давлатимиз раҳбари алоҳида эътибор қаратган масалалардан бири – ёш авлод ҳимояси бўлди. Президентимиз жамиятда болаларга нисбатан таъбиқ ва зўравонлик ҳолатлари қучайиштиришни таъқиқлаб, миллий кадриятларимизга зид бўлган бундай иллатларга қарши мурасосиз кураш олиб бориш зарурлигини қатъий белгилаб берди.

Болаларни уруш ва зўравонликдан ҳимояланганлигини таъминлаш Ўзбекистоннинг тинчлик ва барқарорлик сийёсатининг асосий тамойилларидан бири бўлиб, бу борадаги ёндашуш болаларни соғлом ва ҳавфсиз муҳитда вояга етказишга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда жамиятимиз аъзоси бўлган ҳар бир бола – бу келажақнинг пойдевори. Уларнинг тинч, ҳавфсиз ва бахтли ҳаёт кечиришини таъминлаш ҳамда уларга шароит яратиш нафақат инсонийлик бурчимиз, балки барқарор ривожланиш кафолатидир.

Ҳамидулла МҮМИНОВ,
Инсон ҳуқуқлари бўйича
Ўзбекистон Республикаси
Миллий маркази бўлим бошлиғи

БИЗГА БОЛАЛАРНИ ЭКРАН ҚАРШИСИГА «МИХЛАЙДИГАН» МИЛЛИЙ АНИМАЦИЯЛАР КЕРАК

Умуман, бу биргина меннинг фарзандим билан боғлиқ ҳолат эмас. Аслида ҳозирги болаларнинг аксарияти хоржий фильмлардаги қаҳрамонларни идеал шахс сийфатида кўриб, уларга тақдир қилишади.

Хўш, нега шундай? Менимча, бу тарғиботнинг, онг остига ҳужумнинг натижаси! Шу боис болаларимиз ўз ота-болаларидан кўра, «Superman», «Xalk», «Betmen», «Алиса», «Криш» каби сунъий қаҳрамонларни яхши кўришади. Боз устига, улар учун буюк тарихимизни мана шу фильмлар сингарини ишонарли қилиб тасвирлаган киномиз йўқ ҳисоби.

Фарзандларимиз аслида ўз халқи, юрти, она Ватанини жондиди билан севган ва унинг шаъни, кадр-қиммати учун курашган тарихий шахсларни қаҳрамон деб билишлари ва уларга эргашишлари керак эмасми? Юртимиздан эса илк-фанга, дунё тамаддунига муносиб ҳисса қўшган кўллаб буюк зоғлар етишиб чиққан. Довруғи бутун оламга тарқалган аждодларимиз жуда кўп. Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Алишер Навоий, Жалопиддин Манғуберди каби тарихий шахслар шулар жумласидан. Наҳотки, уларнинг ҳаёти ва асарлари фақат



Ўғлимнинг кийимларидан тортиб ўйинчоқларига «Ўргимчак одам». Чунки шу қаҳрамонни жуда ёқтиради. Унинг тасвири туширилган бирор буюмни қаерда кўрса, қаршилиқ кўрсатишимга қарамай, «Олиб берасиз», деб оёқ тираб туриб олади. Шундай кезларда ўйлаб қоламиз: нима учун, айнан ёт, устига-устак, тўқима ажнабий қаҳрамон ўғлимнинг кийими бўлиши керак? Нима, ўзимизда ўрناк олишга, ихлос қўйишга арзигулик қаҳрамонлар йўқми?



китобларда қолиб кетса?.. Нега уларни болалар қалбига, юрагига муҳрлай олмаймиз?..

Бир вақтлар ойина жаҳонда «Жумонг» номли корейс сериали намойиш этилганди. Катта-кичик фарзандларимиз шу фильм таъсирига тушиб қолишди. Халачўнини от қилиб миниб, «Мен Жумонгман» деб ҳайқириб юришди. Хуллас, ҳамма ерни «Жумонг»лар босиб кетди.

Ёки бўлмаса, хинд киноларидаги қаҳрамонларни олайлик. Қорақўларимиз уларни ўзимизникидан кўра, яхши билишади. Нега десангиз, хиндлар фильмларини шу даражада маҳорат билан суратга олишадики, баъзан болалар тугул ҳатто катталар ҳам чиппа-чин ишонишади. Қисқаси, хоржий мутахассислар оддий муаллимидан тортиб спорт мураббийи, дунёни лол қолдирган даҳолалари ҳаётини ҳақиқий, ишонарли, қизиқарли ва севимли қилиб ярата олишади.

Биз эса бу ишининг урдасидан чиқолмаяпмиз. Масалан, истиклол, миллат тараққиёти учун курашган миллатпарвар шахслар – Абдурауф Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Садриддин Айний каби буюклар ҳақида болаларбоп фильмлар яратганимиз йўқ.

Албатта, бунинг учун бизга, энг аввало, мукаммал сценарий зарур. Ахир бежиз «Яхши фильм учун учта нарса: сценарий, сценарий ва яна сценарий керак», деб айтишмайди. Шу боис «Кичиктойлар учун миллий контент» сарлавҳали аввалги мақоламизда ёшларни бу ишларга кенг жалб этиш масаласини кўтаргандик. Чунки улар ҳар жиҳатдан креатив, қўллардан холи фикрлашади, янги гоғларга очиб бўлишади. Президент ёрдамчисини Саида Мирзиёева ҳам болалар учун миллий контент яратувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш кераклигини бот-бот таъкидлаётган.

Ҳақиқатан ҳам, миллий контент ишлаб чиқарадиган, халқимизнинг руҳи ва кадриятларини ҳиб этадиган янги авлодни тарбиялаш соҳа келажағи учун жуда муҳим. Хориж фильм-

ларидаги бошқа миллат қаҳрамонлари ҳам адабий ёки тарихий асарлар гоёси асосида замонавий қайта ишланган шаклда тақдим этилади.

Бизда-чи? Фақат шпорлар ва кутубхоналарда чанг босиб ётган китоблар борга ўхшайди. Яна аниматорлар маблағ масаласини кўтаришади. Тўғри-да, давлат бюджетидан ажратилган пуллар уларга «Мана, етарлича ол, фақат яхши асар ярат», деб тутқазилмаслиғи аниқ.

Мазкур йўналишдаги таълим муассасаларини тамомлаётган ёшлар эса маош қамлиғи ва эътибор сулғимини туғайли бу ишга қўл уришмаяпти.

Яна бир гап. Орамизда ёш, иқтидорли, ўз истейодиди билан ёниб чиқаётган ёзувчилар кўп. Хўш, уларга ким эътибор қаратапти? Мутасаддилар бирон-бир масала юзасидан ҳамкорликни йўлга қўйишни тақлиф қила олишадики? Бизнингча, йўқ!

Шуқри, соҳада умид қилса бўладиган қадамлар ташланапти. Хусусан, яқинда Президент қарори билан Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиғи қошида Болалар контентини ривожлантириш маркази ташкил этилди. У ахборот маконидан болалар тарбияси ва соғлиғига салбий таъсир кўрсатадиган контентни таҳлил қилади. Маҳаллий ижодкорларга миллий контент яратиш бўйича буюртма беради, қадрлар сийёсати билан шуғулланади.

Лекин кишини хавотирга соладиган ҳолат шундаки, ана шу буюртмалар нечоғлиқ очиб бўлади? Қобилиятли ёшларга бу борада қандай имкониятлар берилади? Ёки буюм аввалгиларидек ими-жимиди талланганлар орасида баҳам қўриладими? Чунки бу ишининг ҳадисини олганмиз, яъни «Ўзбекча модул»нинг яратганимиз-ку!.. Хавотиримиз шундан.

Сўнггиз ўрнида

2022 йил август ойида Миллий кинематографияни ривожлантириш маркази йирик лойиҳа – «Ренессанс» устида иш олиб бораётгани, унда Биринчи ва Иккинчи Ренессанс давридаги аждодларимиз ҳақида 30 та анимацион фильм суратга олиш режа қилинаётгани ҳақида бона урилганди. Шунингдек, иждодий ерурх Амир Темурга бағишлаб анимацион фильм ишлаётгани айтилганди. Аммо уларнинг кейинги тақдирини нима бўлганидан хабаримиз йўқ. Балки лойиҳа тўхташилган, балки ҳали охирига етказилмаган, балки тақдим қилингану, омималашмагандир... Хуллас, буниси бизга қоронғи.

Дарвоқе, аввалги мақоламизда келтирилган YouTubeнинг «Ўзбек мультфильм» саҳифасидан «Спатамен», «Широқ ҳақида афсона», «Фарҳод ва Ширин» каби анимацияларни топдик. Қўришлар сони 2,5 минедадан 25 минегагача экан. Сийфати, сценарийси, савияси ҳаминқадар бўлгандан кейин қўришлар сони ҳам шунча яраша бўлади-да...

Хуллас, савол устига савол туғилаверади. Лекин уларга аниқ жаъоб тополмай ҳалақимиз. Шундай бўлса-да, қачондир соҳадаги муаммолар ечим топиб, фарзандларимизни экран қаршисига «михлайдиган» миллий қаҳрамонлар ҳақида анимациялар яратилишидан умидворимиз.

Гулрухбегим ОДАШБОВА
«ISHONCH»

СУХБАТ

«Саодат»

Дарёси дилларга зиё Улашиб оқаверади

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими,
«Саодат» журнали бош муҳаррири, шоира Мунаввара УСМОНОВА билан суҳбат



– **Мунаввара опа, «Саодат» ҳаммамизнинг сеvimли нашримиз. Унинг ўтмиши бир текис кечмагани аниқ. Аммо устоз адабларнинг, жонкуяр журналистларнинг фидойилиги бос у бузун аср билан юзлашяпти. Сизга бу шарафли йўлда дастак бўлаётганлар, касбингизнинг машаққату роҳати ҳақида гапирсангиз...**

– Болаликнинг энг ёрқин лаҳзалари хотирамизда сақланиб қолади. Ойнинг қайси бир кунда она-жоним Зулфия ая эшик-эвларни бошқача бир ихлос билан тозалар, ўзлари ҳам эгни-бошларига одатдагидан кўра кўпроқ эътибор берарди. Бола тасавури билан англр эдимки, ўша кун почтачи амаки дарвозамиздан ташқарида туриб: «Абдуҳаким ака, журнал келди!» дея овоз берарди. Албатта, эртаю кен қўли рулда, оёғи тормозда бўлган дадажоним бу пайтда уйда бўлмасдилар. Лекин хонадондаги эр кишининг ҳурматида кўчадан келувчилар онамининг эмас, даданнинг исmlарини айтиб дарвоза қоқишарди. Кўпинча дарвозанинг қайси бир жойига гадиравайлаб қистирилган журналнинг олиш учун мен чопиб борардим...

Тақдир тақозоси билан 2018 йилнинг баҳорида журналга ишга келдим.

Жуда кўп азиз инсонларнинг назари тушган, уларнинг заҳмати туфайли кўплаб мухлислар орттирган «Саодат» журнали бу йил табаррук ёшани қарши олди. Ушбу нашрнинг йўли ўзбек аёли босиб ўтиб келаётган йўлнинг бир қисmidир. Дастлабки йилларда «Янги йўл», «Ёрқин турмуш», «Ёрқин ҳаёт», кейин «Ўзбекистон хотин-қизлари» номлари билан мухлислар қўлига етиб борган ушбу журнал саҳифаларига Тожиҳон Шодиева, Собира Холдорова, Хосият Тиллахонова, Иқболхон Акбархўжаева, Фотима Ниёзова, Саодат Шамсиева, Ойдин Собирова каби халқимиз зиёлиларининг қалб кўрлари, кўз нурлари тўкилган. Уларнинг аксарияти юртимизнинг илғор, истеъодли кишилари қатори қатагонча учрадилар. Биз бугун сўзни эзгулик яловига айлантира олган бу заҳматкаш журналистларни, уларга қийин даврда қўшқанот бўлган зиёлиларни ҳурмат билан хотирлаймиз.

Журнал вазият тақозоси билан баъзи йилларда тўхтаб қолган, лекин даврнинг тўфонлари тиниб, урушлари туугача, яна нашр қилина бошлаган. Демак, бундай нашр халқимизнинг маънавий ҳаёти учун ўткинчи ҳодиса эмас, зарурият экан-да!

Адиба Ойдин Собирова устозлик меҳри, ишончи билан топширган журнални ардоқли шоирамиз Зулфияжоним бугунги «Саодат» номи билан аёлларнинг сирдоши, маслаҳатгўйи, дўсти мақомига олиб чиқди. Фақат зиёлилар эмас, юртимизнинг чекка-чекка жойларида истиқомат қиладиган уй бекалари, онахонлар, чеварлик, пазандаликка ишқибозлар ҳам журналнинг ҳар бир сонини орзиқиб кутишарди. «Саодат» дарёсидан сув ичган ўнлаб ижодкорлар Зулфияжоним мактабиде тобландилар, элга танилдилар. Нашр устоз шоира раҳбарлик қилган йилларида бир авлод ижодкорларни ўз бағрида камолга етказди ва бу анъана ҳозиргача сақланиб келади.

Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиева раҳбарлиги даврида жамоа ҳаётга кўпроқ таҳлилий кўз билан қаради. Ҳаёт мураккабликларида юзага чиқиб келаётган иллатлар илдизини очиб, ўз ўқувчиларини уйғоқликка, фикрлашга чорлади. Ўзбекистон халқ шоири Ойдин Ҳожиёва бош муҳаррирлик қилган йилларида

журнал меҳнат аҳлининг ҳаётига кирди, уларга елкадош бўлди. Эл кезди, қувончларидан қувонди, ташвишларига баланддан қараб эмас, кўнгилдош бўлиб, шериклик қилди. Кейинчалик бош муҳаррир ўринбосари Маҳмуд Саъдуллаева раҳбарлик вазифасини адо этганида ҳам, журналист Феруза Жалилова бошқарган йилларда ҳам «Саодат»нинг фахр билан айтадиган бир ютуғи бор: журнал истеъодли ёшларни камолга етказадиган, уларга «Оқ йўл» тилайдиган устозлик вазифасидан чекинмади.

Бугун унинг вазифаси яна ҳам залворлироқ. Шукри, турфа тарафдан ахборотлар оқиб келиб турган замонда «Саодат» ўз ўқувчиларини сақлаб турибди. Момолазимиздан мерос, оналаримизнинг кўз излари, сўз излари қолган бу иссиқ юзли, гул ифори «Саодат»нинг ҳаётини оғир-енгил йўлларидан омон асраб олиб ўтиш бизларга насиб этганидан шукронамиз бор. «Саодат» дарёси дилларга зиё улашиб оқаверади.

– **Япон адаби Мураками «Мен ҳақимда билганларингиз, бор-йўғи сизнинг тасавуриларингиз», деганди. Мунаввара Усмоновани янада яқинроқ танишимиз учун сизни улғайтирган ёруғ масканнынг ҳам ҳиссаси бор, албатта. Келинг, шу ҳақда гаплашсак.**

– Андижон вилоятининг Марҳамат туманида туғилганман. Саккиз оға-иниларим орасида эрка киз бўлиб улғайдим. Болалигим ҳақида сўз борганда юрагим яшнаб кетади.

Онам ҳар гал иссиқ нон ёпганларида биздан бир-икки ҳовли нарида турадиган Маҳсум домланинг уйига нон олиб чиқардик. Ўзларидан нур ёғиладиган, кўксига тушган оппоқ соқоли ўзига ярашган, мулоийм, меҳрибон нуруний отахон бизни ёнига ўтиргизиб, мулоиймлик билан саволга турса:

– Қани, ўтиринлар-чи! Абдуҳакимнинг тилаб олган қизи бир кўрғон ака-укалари орасида эркаланиб юриб нималарни ўрганапикан-а? Унга мен бир нималар олиб қўйганман. Қизим, яқинроқ келинг-чи...

Шунда мен «капалак тахта» (лавҳ) устида очиб турган катта китобга ишора қилиб:

– Бобо, китобингизни бир ушласам, майлими?», – дедим.

– Майли, болам, майли – деди нуруний. (Бу дуоғу, зиёли инсон таники шарқшунос олим Маҳмуд Ҳасанийнинг отаси, умрининг сўнгигача одамларни қомиллик ва эзгуликка етаклаган маърифатпарвар олим Саҳанжон Маҳмуд Восилӣ эди).

– Бу табаррук китобни ҳар кимга ҳам ушлатмайми. Аммо ёш бола фариштадай бўлади. Мана, яқин келиб кўрин!

Ўша он, ўша лаҳзалардан бошлаб, менинг қалбимда бошқа олам, бошқа дунё пайдо бўлди. У – китоб дунёси эди.

Яна бир хотира. Бир куни диктант ёздик. Унда «Ватаан», деб ёзиб қўйибман. Ёзувнинг тағига қизил чизик тортилган-у, аммо баҳо «аъло» эди.

– Устоз, хато қилсам ҳам «беш» қўйганингиз учун раҳмат! – дедим севиниб.

– Бу кечиримли хато. Ватан сўзининг ҳамма ҳарфини иккитадан ёзсанг ҳам хато демайман, болам. Иккита «а» бўлса, янаям ҳайқириб айтгандек бўларкан, – деди ўқитувчим.

Айтсам, катта китоб бўлгудек болалик хотиравларим бор. Ҳозирча шуларни ёд этгим келди...

– **Ижодкорлик оғир қисмат, айниқса, аёлларга қийин, дейишади. Сиз ҳам айни шу қадарни яшаяпсиз. Бунда қаердан куч оласиз, ўзингиздан кўнглингиз тўладими?**

– Ўзимдан кўнглим тўлади, десам ёлгон бўлади. Бу бири кам дунёда шундай бўлиши керак экан, деган сўз билан ўзимга далда бера оламман, холос. Керагида рўзғор каммига елка тутмоқ учун қўлимдаги қалам ўрнига қайчи тутган кунларим бўлди. Болаларим суйанганда тоққа айланаман. Онамнинг ҳузурда эса боламан. Бу йил 89 ёшга қадам қўйдилар. Ҳар сония, ҳар лаҳза, ҳар отган тондан, ботган кундан ҳам онамни қизғонаман...

Гулни, яшилликни, яхшиликни яхши кўраман. Қаерда чиройли гул кўрсам, шуни ўз ҳовлимда ўстиришга уринаман. Кафтдеккина ҳовлимизда ҳинд сиренлари, турк «олеандр»лари, ёронгул ва ўндан ортиқ турли гуллар барқ уриб турибди. Уларнинг парварishi билан ўзим шугулланаман.

Умуман айтганда, ҳар қандай вазиятда ҳам қисматимда бориға шукрона айтиб, дадил қадам ташлайвераман.

– **Энди «Бир куни...» ҳақида сўзлашсак. Шу пайтга қадар сизни таниқли шоира, моҳир публицист сифатида биладиган ўқувчи бугун ҳаётини кечинмаларга, самими изорларга тўлиқ насрий асарингиз билан ҳам юзлашди. Бу китобнинг яратилишига нима тўртки берди?**

– Кўпдан буён қоралаб юрганим ўзимга қадрдон «Бир куни»ларимни тўплаб, бир изга солиб китоб қилдим ва яна бир қарра варақлаб кўрдим. Болалик, ўсмирлик, талабалик, ундан кейинги умрим йўллари ва йиллари орасидан қанча азиз чеҳралар сўвратланиб келди. Овозларни қўлоқларим остида акс садо берди, ёнгинамда нафасларини ҳис қилдим. Ажиб бир соғинчдан юрагим орзиқди. Баъзи воқеалар ичига қайтиб кириб кетгим келди. Анча пайтгача бу туйғулардан узоқлашгим келмади. «Бир куни»ларимни ора-сира ижтимоий тармоққа қўйганимда ўқибган инсонлар ҳам мен ҳозир қалбимдан кечираётган ҳиссиётларга ўхшаган кечинмалар ҳақида ёзишди.

Ҳа, барча-барчаси ўз умримнинг жонли парчалари бўлган бу воқеаларни азиз ўқувчиға тақдим этишимдан ҳам мақсадим шу эди. Кўнглиларни соғинч оламларида сайр қилдириш, уйғониш шиддатларида қанотлантириш, меҳр қарвонлари сағига бошлаш, оқибат чашмаларидан сув тутиши... Биз айнан шундай эл эканимизга ишонтириш...

Агар китоб ниҳоясида китобхондан ҳам шундай умидбахш хулосалар пайдо бўлган бўлса, мен иккинчи китоб учун ҳам ўзимда жазм топаман. Чунки яшаган, яшаётган, яшамоқчи бўлган умримиз «Бир куни»лардан иборат...

– **Инжа хотиралар, самими фикрлар учун ташаккур. «Саодат» журнали таҳририятига ва айнан сизга сеvimли нашримизнинг фаолиятига куч-қувват ҳамда ижодий завқ тилаб қоламиз.**

– Раҳмат!

Наргиза АСАДОВА
суҳбатлашди.

ОЛАМДА БУГУН

БОЛАЛАР ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРДАН ҲИМОЯЛАНАДИ

Франция президенти Эммануэль Макрон «France 2» телеканалдаги чиқишларидан бирида Европа Иттифоқи 15 ёшдан кичик ўсмирлар учун ижтимоий тармоқлардан фойдаланишни тақиқловчи умумевропа сиёсатини қабул қилмаса, ушбу чорани ўз мамлакатаи худудида жорий этишини маълум қилди.

«Мен умумевропа миқёсидаги сафарбарликка эришиш учун бир неча ой вақт ажратаман. Агар шу вақт ичида натижага эришолмасак, мустақил ҳаракат қилишни бошлаймиз. Биз ортиқ кута олмаймиз», деди Макрон. Президентнинг ушбу сўзлари 10 июнь кун Ножан коммунаси (Южори Марна департаменти)да содир бўлган фожиадан сўн янгради. У ерда 14

ёшли ўсмир пичоқ билан 31 ёшли таълим-тарбия ёрдамчисига ҳужум қилган, аёл олган жароҳатлари сабабли вафот этган эди.

Шунингдек, Макрон совуқ қурол савдосини ҳам чеклашни таклиф этди: «Ўсмирлар қўлида на кўчада, на мактабда пичоқ бўлиши керак. Бу ота-оналар ва сотувчилар олдида турган катта масъулия», деди у.

ЛОС-АНЖЕЛЕСДА ТАРТИБСИЗЛИКЛАР

Пентагоннинг собиқ маслаҳатчиси, полковник Дуглас Макгрегор Х ижтимоий тармоғида президент Дональд Трампни 1807 йилги «Кўзғолон тўғрисида»ги қонун (Insurrection Act) асосида Лос-Анжелесда тартиб ўрнатишга чақирди.

«Жаноб Президент, қонунга асосан ҳаракат қилиш вақти келди», деб ёзди у ижтимоий тармоқлардаги намоишчилар давлат биноси олдида қурол билан тургани тасвирланган видеони изоҳлар экан.

Insurrection Acta кўра, АҚШ президенти мамлакат ичидаги исён, оммавий тартибсизликлар ёки ҳукуматга қарши чиқишлар вақтида қуролли кучлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Axios нашрининг маълум қилишича, Трамп бундай қарор қабул қилишга ҳар қачонгидан яқин турибди.

Лос-Анжелесда 7 июнь кун АҚШ Иммиграция ва божхона назорати хизмати (ICE) томонидан ноқонуний

мигрантларни аниқлаш бўйича кенг миқёсдаги рейдлар ўтказилган. Бунинг ортидан оммавий намоишчилар бошланган, полиция билан тўқнашувлар юз берган. «Федерал ҳукумат штатни молиялаштириш ҳажмини камайтирар экан», деган миш-мишлар ҳам фуқаролар газабини кучайтирган.

8 июнь кун Оқ уй шаҳарга Миллий гвардияни жўнатди. Бироқ Лос-Анжелес ҳокимиёти бу қарор улар билан келишилмагани ҳамда бу демократлардан иборат худудий раҳбарият ва республикачи федерал ҳукумат ўртасида янги қарар-қаршилик юзага келтирганини маълум қилди.

НАТО ЭҲТИЁТКОР, АММО

МУДОФААСИНИ МУСТАҲКАМЛАМОҚДА

НАТОга аъзо давлатлар ҳарбий харажатлари ЯИМнинг 5 фоизигача оширилиши мумкин. Мазкур қарорда Украинага молиявий ёрдам ҳам назарда тутилган. Бу ҳақда Bloomberg агентлиги 24-25 июнь кунлари Гаагада бўлиб ўтадиган НАТО саммити учун тайёрланган яқуний баёнот лойиҳасига таяниб хабар берди.

Лойиҳада асосий эътибор янги мақсадли кўрсаткичга эришиш механизmlарига қаратилади. Хусусан, мудофаа махсулотлари соҳасидаги савдо тўсиқларини бартараф этиш таклиф қилинган. Бу иттифоқчи давлатлар саноят базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг тезкор тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилиши керак.

Нашрнинг таъкидлашича, ҳужжатда Украина НАТОга аъзо бўлиши масаласи тилга олинмаган, шунинг-

дек, Хитойнинг Россия билан ҳамкорлиги ҳам танқид қилинмаган. Манбаларнинг маълум қилишича, баёнотнинг бундай бетараф тарзда ёзилиши АҚШ президенти Дональд Трамп билан ошқоран низоининг олдини олишга қаратилган.

Дастлабки маълумотларга кўра, Гаагадаги саммитда 6 мингдан ортиқ делегат, жумладан, 45 давлат раҳбарлари ва мудофаа вазирлари иштирок этади.

БОКУ УКРАИНА – ҚОРАБОҒ ҚИЁСИНИ КЕСКИН ҚОРАЛАДИ

Озарбайжон Ташқи ишлар вазирлиги Россия президенти ёрдамчиси Владимир Мединскийнинг Украинадаги урушни Тоғли Қорабоғ муаммоси билан қиёслаган баёнотиға норозилик билдирди.

RT телеканалига берган интервьюсида Мединский шундай деган эди: «Агар ҳозир тинчлик ҳақидаги келишувга эришмасак, ушбу минтақа улкан Қорабоғга айланади. Биласиз, Арманистон ва Озарбайжон ўртасида Қорабоғ деган бахсли худуд бор...».

Озарбайжон ТИВ расмий вакили Ойхон Ҳожизода бу баёнотни шарҳлар экан, шундай деди: «Қорабоғ ҳеч қачон бахсли худуд бўлмаган. У Озарбайжоннинг ажралмас қисми ҳисобланади. Буни, хусусан, Россия Федерацияси ҳам расман тан олган».

Унинг фикрича, Украинадаги урушни Қорабоғ можароси билан қиёслаш умуман нотўғри. Чунки Озарбайжон бошқа давлатлар худудий яхлитлигиға таъовуз қилмаган ва агрессив уруш олиб бормаган.

«Мединскийға икки томонлама муносабатларға зарар етказмаслик учун ўз ваколатларига кирмайди-ган масалаларни изоҳлашдан тийилишни тавсия қиламиз», деди Ҳожизода.

Оламгир ОТАЁРОВ
тайёрлади

Мароқли дам олинг,
азиз газетхон!



Насиба Абдуллаева
ижросида

«Қалдирғоч»
қўшиғи

Орзуларим қанотида олиб кетган қалдирғоч,
Ёр уйига мендан олдин бориб етган қалдирғоч,
Ёр уйига элтар кўча бунча ҳам тошли-тошли,
Бўлма ҳайрон, бўлса кўзим қароси ёшли-ёшли.

MUASSIS:



2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi), Ulug'bek JALMENOV, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOVI, Nodira G'OIYIBAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSENYUK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Doverie»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:

Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-90) 379-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir:

Abdunabi HAYDAROV

Musahhih:

Umid XUDUYBERGANOVA

Sahifalovchi:

Hasan ABDUJALILOV

Bosilgiga topshirish vaqti – 22:10
Topshirildi – 22:30

Bahosi keshilgan narxda

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Manzilimiz:

100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch 1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazetaning poligrafik jihatdan sifatlil chop etilishiga bosmaxona mas'ul.

Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 18 208 ta

Shunday: 6 187 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi –

Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;

18 306 nusxasi

«Erudit» MCHJ bosmaxonasi –

Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;

7 915 nusxasi

«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma G-611